



Ислоҳотларимизнинг юксак эътирофи

Муфтий ҳазратлари Ислом олами уюшмаси Олий Кенгашига
ва Исломий фикҳ академиясига аъзо бўлди

Шу йил 20 апрель куни Саудия Арабистони пойтахти Риёз шаҳрида Ислом олами уюшмаси таркибидаги Исломий фикҳ академиясининг 23-давра йиғилишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари мазкур ташкилотнинг Олий Кенгаши аъзолигига қабул этилгани эълон қилинди.

Исломий фикҳ академияси Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларини ушбу нуфузли академия аъзолигига қабул қилиш ҳақида қарор чиқарди.

Тадбирда иштирок этган дунёнинг етакчи уламолари Муфтий ҳазратларини ушбу мартаба билан қутлаб, Ўзбекистондаги



диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни юқори баҳоладилар.
Шу ўринда охириги йилларда

Диний идоранинг мусулмон дунёси билан алоқалари ривожланиб, турли йўналишларда муносабатлар йўлга қўйилганини айтиш ўринли. Айниқса, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилди, турли давлатлар диний идоралари билан меморандумлар имзоланди, хориждаги илмий конференциялар, Қуръон мусобақалари ва кўргазмаларда вакиллари миз фаол иштирок этмоқда.

Таъкидлаш керак, шу пайтга қадар Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Халқаро мусулмон уламолари кенгаши ва Мусулмон донишмандлар кенгаши аъзоси сифатида нуфузли тадбирлардаги ташаббуслари мусулмон дунёси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

- ✓ 20 апрель. “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасасида Қуръон мусобақаси ўтказилди.
- ✓ 22 апрель. Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Лаби зах» жоме масжидининг янги биноси қурилишига илк ғишт қўйилди.
- ✓ 23 апрель. Мўмин-мусулмон киши масжидларда ўзини қандай тутишига оид кўплаб фойдали маълумотларни ўз ичига олган “Масжид одоблари” номли китоб нашр этилди.
- ✓ 24 апрель. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида “Ислом дини асл манбаларини талқин қилишдаги ёндашувлар: муаммо ва ечимлар” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- ✓ 26 апрель. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига айна кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Юта штати Сенати делегацияси аъзоларининг бир гуруҳи ташриф буюрди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Аллоҳумма инний асбаҳту ушҳидука ва ушҳиду ҳамалата ʼаршика ва малаикатика ва жамийъа холқиқа, бианнака Анталлоҳу лаа илаҳа илла Анта ваҳдака лаа шарийка лака ва анна Муҳаммадан ʼабдука ва росулуқ» (4 март).

Маъноси: “Аллоҳим, албатта, мен тонг оттирдим. Сени ҳамда Аршингни кўтарувчи фаришталарингни ва халқ қилган ҳамма нарсаларингни гувоҳ қилиб айтаманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Сенинг банданг ва расулингдир” (Имом Абу Довуд ривояти).

«Асбаҳна ʼала фитратил Ислами ва калиматил ихласи ва дийни набиййина Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва миллати Иброҳийма ҳанийфам муслиман ва маа кана минал мушрикийн».

Маъноси: “Мушрик бўлмаган, мусулмон ҳолимизда ва тўғри йўлда бўлган Иброҳим алайҳиссаломнинг миллатларида, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динларида, ихлос калимаси ва Ислом фитратида тонг оттирдик” (Имом Ибн Сунний ривояти).

Қуръон ва ҳаёт

Аллоҳ кимни яхши кўради?!

«Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) **сарфлангиз ва ўз қўларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!** (Барча ишларни) **чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли** (иш) **қилувчиларни яхши кўради»** (Бақара сураси, 195-оят).

Ояти каримани ҳаммамиз ўқиганмиз, биламиз. Бироқ, афсуски, бугунги кунда ҳамма бир-бировининг қилган ишидан норози. — Машинамни устага олиб боргандим, бир ҳафта ўтмай яна тақиллаб қолди... яхшилаб тузатмабди-да!

— Уйимга уста солгандим, кўнглим тўлмади. Гул қоғозининг у ери бу ери яхши ёпиштирилмаган. Пол ҳам қийшиқ. Бошқатдан

қилдираман чоғи, яна харажат. — Мебель ясатгандим, қўл учида қилиб кетибди. Эшиги бир ҳафта бўлмай узилиб тушди...

Ҳамманинг охириги сўзи иймонли қалбни ларзага келтиради: “...Пулингни ҳалоллаб олмайсанми?! Бола-чақа боқасан-да шу пул билан...”

Ходимлар орасидаги гап-сўзлар ҳам алоҳида мавзу. Бир-бирларининг ишларини мукамал қилишга чақириш ўрнига мўминликка тўғри келмайдиган “маслаҳат”ни беришади.

Тикувчилик цехига ишга келган қизга:

— Катта чокка қўйиб, тез-тез тикинг. Тикканда бир-бирига мос келмаган қисмни бошқа

қисмини бироз букиб юборавринг. Уланиб қолса бўлди... ҳамма ёғини мукамал қилиб тикаман десангиз, қўлингиз умуман пул кўрмайди.

— Ойнани қоидасига кўра қиламан деб овора бўлма, — дея шогирдига ўргатади уста. — Таннарх қимматга тушиб кетади. Бунақада бир умр косанг оқармайди. Профил орасига темирни камроқ сол!

Барча касбларда иш — юмалоқ ёстиқ. Пул бермасангиз, шифокор яхши қарамайди. Қўшимча дарсга қўймасангиз, ўқитувчи болангизнинг баҳосини пастлатади, дарсни тушунтирмай, “ўзинг ўқиб ол”, дейдиганлари ҳам бор...

3-бетда

“

«Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (мумкин)...» (Бақара сураси, 229-оят).

Ислондан аввал эркалар хотинларини талоқ қилиб ташлаб қўяр, иддалари чиқай деганда яна қайтариб олар ва буни истганича давом эттиришар эди. Улар буни хотинларига атайлаб зарар бериш мақсадида қилишарди. Бу борада аёлларнинг шикояти Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламга етиб келганида, Аллох таоло мазкур оятни нозил қилиб, нозик хилқат соҳибаларини зарардан халос этди.

«Талоқ икки мартадир». Бу оят талоқ ҳақидаги ҳукмларнинг учинчисидир. Яъни, эр хотинига қайтиши мумкин бўлган талоқ ҳукми. Аввалги оятларда эрлар талоқ қилган хотинларини иддалари ичида қайтариб олишга ҳақли экани айтилган эди. Бу оятда хотинни қайтариб олиши мумкин бўлган талоқлар сони баён қилинмоқда: «(Ражъат қилиш мумкин бўлган) **талоқ икки мартадир**». Оят хабар шаклида келган бўлса-да, аслида буйруқ маъносида, яъни «икки марта талоқ қилинлар!» деганидир. Буйруқ хабар шаклида

берилса, унинг маъноси янада таъкидироқ бўлади.

Шунингдек, бу оят талоқни алоҳида-алоҳида бериш кераклигига, бир сўз билан «икки талоқ», «уч талоқ» деб ҳаддан ошмасликка далолат қилади.

«Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (мумкин)». Иккинчи талоқдан кейин эрга икки ишдан бири жоиз бўлади: ё яхшиликча ҳаёт кечириш учун ражъат қилиб, хотинни ушлаб қолиш, ё ражъат қилмай, йўлини очиб қўйиш.

«...чиройли суратда ажралиш»нинг маъноси шуки, эр иддада ўтирган хотинининг молиявий ҳуқуқларини адо қилади, ажралиб кетганидан кейин ҳам уни бошқаларга ёмонламайди.

Талоқда икки марта имкон берилишининг ҳикмати нима?

Инсон кўпинча то яқин кишидан айрилиб кўрмагунча унинг қадрини ёки кераклигини яхши ҳис этмайди. Эр-хотинлик масаласида ҳам шундай: гоҳида улар ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада экани айрилиқда билинади. Оилани сақлаб қолиш ёки тугатиш фикри айрилиқда янада қатъийлашади. Лекин қатъий тўхтамга келиш учун баъзида битта айрилиқ кифоя

қилмаслиги мумкин. Шунинг учун Аллох таоло унга яна бир бор имкон беради.

Хотини билан келишолмай қолган эр уни бир талоқ қилади. Хотиннинг иддаси чиққунча эр хотинсиз қолиб, обдон ўйлаб кўради: хотинисиз ҳаёти яхши томонга ўзгардими ёки аксинчами? Аксинча бўлса, хотинига қайтади. Агар бир муддат ўтиб, яна келишолмай қолса, иккинчи марта талоқ қилади. Бу гал ҳам эрда хотинини ушлаб қолиш ёки қўйиб юбориш имкони бор. Бу гал ҳам хотинини керак деб билса, унга қайтади ва яхшилик билан ҳаёт кечиради.

Ярашиш фикри тажрибада икки марта синалган, энди унда қатъий туриш лозим. Чунки унга ўйлаб кўриш учун икки марта имкон берилди, бошқа берилмайди. Яна имкон берилса, хотинга жабр бўлади.

Агар ажралишни тўғри деб билса, иддаси чиққунча хотинига тегмайди. Иддаси чиққач, хотиннинг боши очиқ ҳисобланади. Учтинчи марта талоқ бериши шарт эмас. Мана шу яхшилик билан ажралишдир.



Эр хотини билан биринчи ёки иккинчи талоқнинг иддасидан кейин ярашмоқчи бўлса, энди унга шунчаки қайтолмайди. Чунки хотини унга бегона ҳисобланади. Хотинини мажбурлашга ҳаққи йўқ. Энди унга қайтадан совчи қўйиб, рози бўлса, маҳр бериб янгидан никоҳланиши мумкин. Иддаси чиқмасидан ярашиб олганида бундай муаммоларга қолмас эди.

Ушбу ҳукмларга назар солган киши Аллох таолонинг бандаларига нақадар меҳрибон ва раҳмдил эканига амин бўлади.

(Давоми бор.)

Фахриддин Розийнинг

«Мафатийхул ғойб» асари асосида

Азизбек ХОЛНАЗАРОВ

тайёрлади.

Идора ҳаёти

1-бетда

Муфтий ҳазратларининг долзарб мавзудаги чиқишлари Миср Араб Республикаси, Қатар, Россия ва МДХдаги бир қатор давлатларнинг минглаб кузатувчиларга эга бўлган сайт ва ижтимоий тармоқлар, газета-журналларда араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилди.

Ўзбекистон вакилининг мазкур кенгашга қабул қилингани юртимизда давлатимиз Раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг юксак эътирофи бўлди.

Муфтий ҳазратлари ўз навбатида ташкилот раҳбарияти ва аъзо уламоларга билдирилган ишонч учун самимий ташаккур айтди. Шунингдек, муштарак мақсадлар бўлмиш Ислон дини, мусулмон умматига хизмат қилиш, Ислон фикҳининг эътироф этилган манбаларидан бутун дунё мусулмонлари дуч келаётган замонавий муаммоларга ечим топиш, мусулмонлар олдига турган масалаларни ҳал қилишда муносиб иштирок этиш, Ислон фикҳий меросини тарғиб қилиш ва бу соҳадаги илмий тадқиқотларни рағбатлантириш борасида бор билим-тажриба ҳамда имкониятларини сафарбар этишларини маълум қилди.

Шу билан бирга, нуфузли Кенгашга аъзолик шараф бўлиш билан бирга катта масъулият эканини сўзлади.

Алоҳида қайд этиш жоиз, Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг ушбу илмий ташкилотга аъзо бўлишлари Аллох таолонинг фазли

Ислохотларимизнинг юксак эътирофи

Муфтий ҳазратлари Ислон олами уюшмаси Олий Кенгашига ва Ислоний фикҳ академиясига аъзо бўлди



ҳамда ёрдами ила 35 йилдан зиёд вақт мобайнида Ислон дини маърифатини кенг ёйиш ва мўмин-мусулмонлар эҳтиёжини таъминлашдаги фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Аллох таолодан Муфтий ҳазратларига

Ислоний фикҳ академиясидаги фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз.

Шу йилнинг 23 апрель куни Саудия Арабистони пойтахти Риёз шаҳрида бўлиб ўтган Ислон олами уюшмаси Олий Кенгашнинг 46-йиғилишида **Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Олий Кенгаш аъзолигига қабул қилинди.**

Мазкур нуфузли халқаро анжуманда қатор мусулмон давлатларидан келган вазирлар, таълиқ уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, давлат ва дин арбоблари ҳамда халқаро исломий ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

Ислон олами уюшмаси Бош котиби Шайх Доктор Муҳаммад Абдулкарим ал-Исо жанобларининг таклифига биноан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ушбу анжуманда иштирок этди.

muslim.uz portali

Қарз олди-бердисига доир ҳукмлар

Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Қарз тўғри бўлиши учун унда қуйидаги тўрт шарт топилиши керак:

1) қарз “қарзга бердим” ва “қарзга олдим” лафзлари билан ёки мазкур лафзнинг маъносига далолат қиладиган олди-бердилар билан бўлиши керак;

2) томонлар қарз олди-бердиси битимини тузишга салоҳиятли бўлишлари, яъни балоғатга етган, ақли расо кишилар ўз ихтиёрлари билан олди-берди қилишлари керак. Шунинг учун балоғатга етмаган ёки ақли норасо, мажбурланган кимсаларнинг қарз олди-бердилари тўғри бўлмайди;

3) бериладиган қарз айнан тенги бор (мислий) маблағ бўлиши керак;

4) қарзга бериладиган маблағнинг миқдори ва жинси аниқ бўлиши керак. Шунга қўра, вазни ё адади қанчалиги ёки буғдой билан арпа аралашиб кетгани сингари жинси ноаниқ бўлиб қолган нарсаларни ҳам қарзга бериб бўлмайди. Чунки миқдори ёки жинси ноаниқ нарсалар қарзга берилса, айнан нимани қайтариб олиши номаълум бўлиб қолади. Шунинг учун молдан мазкур ноаниқликларни кетказмасдан туриб уни қарзга бериш мумкин бўлмайди.

Қарз олди-бердисига муддат белгилаш мумкинми?

Қарз беришда уни қайтаришга муайян муддатни белгилаш мумкин эмас. Яъни, қарз берувчи берган қарзини ўзи хоҳлаган вақтда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қарзга муддат белгилаш мумкин эмаслигига уламолар икки сабабни келтиришган:

1) қарз беришнинг аввали (яъни бериш вақти) бировнинг ўз молидан бир қисмини ўзига фойдаланишга бериб туришига ўхшайди. Фойдаланишга бериб туришда эса вақт белгилашнинг шарият жиҳатидан бирор

эътибори йўқдир. Шу маънода қарз берувчи ҳам қарзни мутлақо ихтиёрли равишда беради. Шунинг учун уни қайтариб олишда ҳам мутлақо ихтиёрли бўлади. Яъни, қарз берувчида берган қарзини қайтаришни талаб қилиш имконияти доимо бўлади;

2) қарзнинг охири эса пулни пулга сотишга ўхшайди. Яъни, бировга берган қарзини қайтариб олиш вақтида худди олдин берган пули эвазига ҳозирги пулни сотиб олаётганга ўхшайди. Аслида, жинси ё миқдори бир хил бўлган савдода насия қилиш “насия рибо” бўлади. Насия рибонинг эса ҳукми ҳаромдир. Масалан, арпани буғдойга насия савдо билан олиб бўлмайди. Шунга қўра, берилган қарз “насия рибо”га ўхшаб қолмаслиги учун унга вақт белгилаш мумкин эмас.

Аммо қарзга муддат белгилаш мумкин бўлган ўринлар ҳам бўлиб, уламолар қуйидаги тўрт ҳолатдан бирида қарзга муддат белгилаш дурустлигини айтганлар:

1) васият қилганда. Вафот этаётган киши меросхўрларига ўзининг молидан бирор кишига фалон муддатга қарз бериб туришни васият қилса, ўша муддат тугашидан олдин меросхўрлар қарзни қайтаришни талаб қила олмайдилар;

2) қарз олган киши тонган вақтда. Агар қарздор олган қарзидан тонса, қарз берган киши унинг қарз олганини исботлаганидан сўнг “фалон муддатда қайтарасан” деса, ундан яна талаб қилиши учун ўша муддат ўтиши лозим бўлади;

3) қози қарзга ҳукм қилган вақтда. Қози бировнинг зиммасида қарз борлигига ҳукм чиқарса, уни фалон муддатда адо этишни белгилаши мумкин бўлади;

4) қарз бошқага ҳавола қилинганда. Яъни, қарз уч киши ўртасида бўлиб қолса, масалан, қарздор қарз берганга: “Фалончи тўлаб беради” деса, қарз берувчи ўша кишига муддат белгилаши мумкин.

Демак, мазҳабимизга қўра, фақат ушбу ҳолатлардан бирида қарзга муддат белгилаш мумкин. Булардан бошқа ҳолатларда қарзга муддат белгилаб бўлмайди.

Қарзни ёзиб қўйиш ҳукми нима?

Қарзни ёзиб қўйишнинг ҳукми мандуб, яъни уни адо қилиш афзал амал ҳисобланади. Яъни, қарзни ёзмаслик ҳам мумкин, аммо ёзиш афзалдир. Ёзганда, албатта, гувоҳлар иштирокида ёзилади. Қарзни гувоҳлар иштирокида ёзиб қўйишда икки томон учун ҳам манфаатлар бўлиб, бу билан қарздорнинг ҳам, қарз берувчининг ҳақлари ҳимоя қилинган бўлади. Гоҳида қарз берувчи қарздорга хат-ҳужжат ҳақида гапиришга ҳаё қилиб айта олмаслиги мумкин. Шунинг учун бунга қарздорнинг ўзи ташаббус кўрсатиб, ёзиб қўйишни таклиф қилиши одоб ҳисобланади. Шунингдек, агар қарз бўлиб-бўлиб тўланадиган бўлса, қарз эгаси ҳам ҳар олган ҳақини давомли равишда ёзиб бориши лозим.

Қарздор қарзини тўлиқ адо қилса, қарз эгаси қарз ёзилган хат-ҳужжатни қарздорга қайтариб бериши ёки унинг кўз ўнгига йиртиб ташлаши ёки унинг қарздан қутулгани ҳақида тилхат ёзиб бериши лозим бўлади. Бу ишларни қарздор талаб қилмаса ҳам, қарз берувчининг ўзи қилиши керак. Агар қарз берган киши берган қарзини тўлиқ олганидан сўнг мазкур ишни қилмаса, қарздор ундан бу ишларни қилиб беришини сўрашга тортинмаслиги керак. Чунки бунга эътиборсизлик қилиш гоҳида турли нохуш ҳолатларга сабаб бўлиб қолиши мумкин.

(Давоми бор.)

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти Ақоид ва фикҳий
фанлар кафедраси доценти, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Эсимдан чиқиб чўнтагимда суюқ нажосат теккан қозоғ билан намоз ўқиб қўйибман. Намозим дурустми?

ЖАВОБ: Кишининг кийимига ёки чўнтагидаги нарсасига теккан нажосат кам бўлса ва билмасдан намоз ўқиб қўйса, намози дуруст бўлади. Агар нажосат кўп бўлса, намозни қайта ўқиш керак. Камлик миқдори – куюқ нажосатларда 4,25 граммдан ва суюқ нажосатларда катта танга кенглиги миқдорида ортиқ бўлмаслиги билан белгиланади.

САВОЛ: Тиқилинч пайтда аёлларнинг Ҳажарул асвадни ўпишга уринишлари тўғрими?

ЖАВОБ: Тиқилинч пайтда аёл киши Ҳажарул асвадга яқинлашмаслиги керак. Чунки бу авратларнинг очилиб қолиши ёки бадани номаҳрамларга тегиши каби гуноҳларга сабаб бўлади. Бу ҳақда “Дуррул мухтор” китобида: “Аёл киши тиқилинчда Ҳажарул асвадга яқинлашмайди. Чунки аёл киши эркакларга ёпишишдан қайтарилган”, дейилади.

Ҳажарул асвадни истилом қилиш фақат тавофни бошлашда суннат ҳисобланади. Бошқа ўринда суннат эмас. Истилом ё ўпиш, ё қўли ёки қўлидаги ҳасса каби нарсани Ҳажарул асвадга теккизиб, агар унинг ҳам иложи бўлмаса, қўлларини ўша томонга кўтариб, такбир, таҳлил, ҳамд ва салавот айтиш билан юзага чиқади.

5-бетда

Қуръон ва ҳаёт

1-бетда

Қай бир иш шошқалоқлик туфайли, қай бири эса ҳафсаласизлик сабаб чала-ярим. Аксарият ишчилар мукамалроқ қила оладиган ишини чала бажарса, айримларида эса укув йўқ. Бунинг оқибатида ривожланишнинг барча туридан – илмда ҳам, саноатда ҳам, касб-хунарда ҳам ортдамиз. Хуллас, бугун жамиятимиздаги кўплаб муаммоларни келтириб чиқараётган асосий омил иш мукамал бажарилмаётганидир. Ёхуд ишлар ўз устасига, иқтидори бор одамга

топширилмаётганидир. Бу алоҳида мавзу...

Тирикчилик ғамидан ортмай қолдик. Аслида ҳар қанча пул топмайлик, ўзимизни ўтга-чўққа урмайлик, ишимизни чала қилсак, ҳеч қачон барака тополмаймиз. Чунки барака “кўп” дегани эмас. Барака Аллоҳнинг инояти ва марҳаматидир.

Мўмин банда ўзига ишониб топширилган ишни, у қандай бўлишидан қатъи назар, мукамал бажариши лозим. Аллоҳ Ўз Каломида

таъкидлаган: “(Барча ишларни) **чиройли қилингиз!**...” амрига мувофиқ иш тутиши лозим. Шундагина мусулмон жамиятларида ривожланиш, топганимизда барака бўлади, иншоаллоҳ.

Азиз замондош, ўнта чала-ярим эмас, бешта мукамал иш топширинг. Иккита уйни эмас, биттасини чиройли таъмирланг. Устахонангизга келган 10 машинани 3 кун юрадиган эмас, эгаси қаттиқ янглишсагина бузиладиган қилиб таъмирлаб беринг...

Хуллас, қилган ишингиздан иш берувчидан аввал Аллоҳнинг розилигини қозонишни ўйланг. Иншоаллоҳ, ўнта чала ишнинг “кўпроқ” пули билан битмаган ишларингиз бештасиники билан битади. Ишни чиройли ва мукамал қилинг. Зеро: “... **Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради**”.

Бехруз ЁҚУБОВ,
Янгиҳаёт тумани

Ота-она – жаннат дарвозаси

«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!» (Исро сураси, 23-оят).

Фарзанд учун энг улуғ амаллардан бири ота-онага яхшилик қилиш, кексайган чоғларида уларнинг хизматини адо этишдир. Шунинг учун ҳам охирагани ўйлаган мўмин, аввало, Аллоҳга тақво қилиб, ота-онасининг хизматига шай туради.

Ота-онасига яхшилик қилиб яшайдиган инсон ҳар лаҳзада саодатни ҳис қилади. Умридан, оиласидан барака аримайди.

“Саҳиҳи Муслим”да Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят

қилинган ҳадисда «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!**” дедилар. “Ким, ё Расулulloҳ?” деб сўралди. “**Ким ота-онасидан бирини ёки ҳар иккаласини кексайган пайтларида топса-ю,** (уларни рози қилмагани сабабли) **жаннатга кирмаса**”, дедилар» (Имом Термизий, Имом Аҳмад ривояти).

Хўш, биз ота-онамизнинг хизматларини қай даражада адо этияпмиз? Улар ҳузуримизда роҳату фароғатда умргузаронлик қияптими? Албатта, орамизда кечаю кундуз ота-онасининг бир оғиз буйруғига маҳтал турадиганлар бор. Улар бу амални ўзлари учун шараф ва неъмат деб биладилар.

Аммо шундайлар ҳам борки, ота-онаси тирик бўла туриб, уларнинг қадрига етмайдилар. Турли иллатлар гирдобига тушиб, ота-онасини ҳар лаҳзада хавотир ва

надоматга қўядилар. Аксинча, ота-онанинг ёши ўтган сари ҳар қачонгидан ҳам авайлаб-асраш, меҳр-муҳаббатли сўзларини улардан аямаслик керак. Зеро, ота-онага эътиборсиз кишилар қаттиқ гуноҳкор бўладилар.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари қаламига мансуб “Аллоҳ мени кўриб турибди” китобида бундай воқеа баён этилади: “Улуғ зотлардан бирининг онаси оламдан ўтганида дарвоза олдида йиғлаб тураркан. Ҳолбуки, у зот одамларга мусибат етганида йиғламасликни ўргатар, ҳар доим мусибатга сабрли бўлинглар, дер экан. Энди ўзи йиғлаётганини кўрган одамлар таажжубланиб: “Шайхимиз, сиз ҳам йиғлаяпсизми?” дейишибди. Шунда шайх: “Ҳа, йиғлаяпман. Қандай қилиб йиғламайки, бугун менинг уйимда жаннат дарвозаси беркилиб

қолди”, дебди. Ҳа, уйингизда жаннат дарвозаси бор, азизлар. У дарвозани фақат меҳр-муҳаббат, яхшилик билан очасиз. Ота-онанинг уйингиз дарвозасини таъмирлаган каби таъмир қилинг, кияётган либосларига эътибор беринг”.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Раббинг розилиги ота-онанинг розилигидир. Раббинг ғазаби ота-онанинг ғазабидир**”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизни солиҳ фарзандлардан қилиб, доим ота-оналаримизга яхшилик қилувчилардан қилсин.

Ориф НАЙИМОВ,

Навоий вилояти “Армизон” жоме масжиди имом-хатиби

Диёримиз масжидлари

Катта Лангар Қуръони нусхаси Зоминда



Зомин туманидаги “Маърифатли” жоме масжидига Исломида ноёб қўлёзма – Катта Лангар Қуръонидан кўчирилган нусха келтирилгани ҳудудда яшовчи мўмин-мусулмонларни беҳад қувонтирди. Шу муносабат билан ташкил этилган йиғинда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Хайриддин Султонов, Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудири шайх Алижон қори Ҳайдаров ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар хусусида тўхталишди.

Қуръоннинг ушбу қадимий ва нодир қўлёзма нусхаси VIII асрда кўфий-ҳижозий хатида терига кўчирилган. Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги “Лангар ота” масжидида узоқ вақт сақлангани боис “Катта Лангар Қуръони” номи олинган.

Ноёб Мусҳафнинг юртимизга келиб қолиш тарихи улуғ бобомиз Амир Темур ҳазратлари билан боғланади. У зот Шомдан кўчиб

келган машҳур тасаввуф шайхи Муҳаммад Содиқ ҳазратларига юксак эҳтиром кўрсатиб, тоғли Катта Лангар қишлоғида кўркам масжид ва хонақоҳ қурди. Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат илмларида пешво бўлган шайх 500 га яқин авлиё мақомини топган олимларга устозлик қилган. Ишқия тариқати вакиллари бўлган ана шу шайхлар ўзлари билан бирга Катта Лангар Қуръонини олиб келишган.

Манбаларда Катта Лангар Қуръони 206 саҳифадан иборат бўлгани келтирилади. Аммо унинг кўп саҳифалари йўқолган. Ҳозирда 97 саҳифаси топилган бўлиб, 81 саҳифаси Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтида, 16 саҳифаси Ўзбекистонда сақланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу саҳифалар яхлит китоб ҳолида тўпланиб, унинг факсимиле нусхаси Австрия пойтахти Вена шаҳрида юксак матбаа сифати билан тайёрланди. Ноёб Қуръон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг топшириғига биноан мазкур масжидга топширилди.

Ушбу ажойиб ўзгаришлар ҳақида ўйларканман, шўро тузumi давридаги динга қўйилган тўсиқлар кўз олдимга келади. 1986 йил мазкур масжидда имом бўлиб ишлардим. Бир куни вилоят компартия ташкилотидан вакил келиб масжидни ёптирди. “Энди бу ер музей бўлади”, деди. Ўша пайтда биз жуда хафа бўлдик. Айниқса, кекса мутаваллимиз Равшан бобо Жўраев жуда куйиб-ёнди. Республика идораларига арз қилиб кўрдик. Гапимизга қулоқ солишмади. Охири қишлоқдаги кексалар билан хат ёзиб, Москвага жўнатдик. Бир йиллик оворая сарсонгарчиликлардан кейин масжидимиз қайта очилди.

Минг шукр, ўша қийинчилик ва синовларга тўла даврлар орта қолди. Бир пайтлар фаолияти тақиқланган масжидимиз бугун улкан жомега айланган. Аввалги “Холид ибн Валид” жоме масжиди қайтадан барпо этилиб, “Маърифатли” номи билан 2017 йил 26 май куни намозхонлар ихтиёрига топширилди. Асосий хонақоси деворлари ва меҳроби ўзига хос нақшлар билан безатилган. Моҳир хаттотлар томонидан меҳроб устига ҳамда деворига Қуръони карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифлар муҳрланган. Масжиднинг умумий майдони 1,5 гектар бўлиб, жами 3200 дан ортиқ намозхонни сиғдиради. Ҳозирги дориламон,



озод ва обод, тинч ва осойишта замонда ибодатлар эмин-эркин адо этилмоқда. Қадимий Қуръон қўлёзмаси нусхаси эса масжидга янада файз улашди. Ушбу муборақ Мусҳафни Равшан бобонинг набираси Аброр домла Равшанов қабул қилиб олгани Аллоҳнинг иноятидандир.



Президентимиз томонидан амалга оширилаётган одилонасиёсат, муқаддас динимиз ривожига қаратилаётган эътибор, нурунийларимизнинг дуолари туфайли ана шундай қувончли ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Албатта, бунинг қадрига етишимиз, шукр қилишимиз керак.

Абдумутал ОТАБОВЕВ,

Пахтакор тумани “Холид ибн Валид” жоме масжиди имом-хатиби

Раҳмдиллик Аллоҳнинг раҳматидандир

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ро-зияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Кичигимизга раҳм кўрсатмаган ва каттаимизни улуғламаган биздан эмас”**».

Ҳадиси шарифдан ёшларга шафқат кўрсатиш, катталарни ҳурмат қилиш мусулмонларга одат бўлиши лозимлиги англашилади. Жумладан, болаларини ҳимоя қилиш ва уларга раҳм-шафқат ҳамда меҳр кўрсатиш инсоннинг фитратида бор. Агар кимдандир боласига нисбатан раҳм-шафқат ва меҳрибонлик бўлмаса, демак, унда яхшилиқ йўқ.

Гап фарзандни эркалаб талтайтириш эмас, балки уни мулойимлик ва яхши сўз билан тарбиялаш хусусида. Чунки жеркиш, қўпол муомалада бўлиш, жисмоний зўравонлик боланинг ота-онадан узоқлашишига, ёмон одамлар билан дўстлашишига сабаб бўлади.

Ҳадисдаги **“каттаимизни улуғламаган”** жумласи эса бошқа ривоятда **“кексаларимизнинг ҳақларини билмаган”** шаклида келган.

Мунаввар олам

Яъни, ёши улуғларни ҳурмат қилишимиз, кексалигини ҳисобга олиб, ожизлигига раҳм қилмоғимиз лозим.

Болаларга ва кексаларга раҳм-шафқатли бўлиш Аллоҳ таолонинг раҳм-шафқатига сабаб бўлса, уларга нисбатан бағритошлиқ қилиш эса ғазабига дучор этади. Бу нарсани кишининг иймони заифлиги ва тарбияси ёмонлигига далолатдир.

Ҳадисдаги **“биздан эмас”** иборасидан ким бу ҳолатда бўлса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида айро тушгани, Ислом ҳидоятига эргашмагани англашилади. Бироқ ҳадисдан унинг мусулмон эмаслиги тушунилмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима сабабдан ёш болаларга раҳм-шафқат кўрсатишга, катталарни ҳурмат қилишга алоҳида урғу берганлар? Одамлар орасида меҳр-оқибат, ҳурмат ва эҳтиром бардавомлигини таъминлаш, заифлар омон бўлиб, халқ орасида муносиб ҳаёт кечириши учундир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расу-

луллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг бундай деганларини эшитдим: **“Аллоҳ раҳматини юз қисмга ажратди. Тўқсон тўққизтасини Ўз ҳузурида сақлади, бир қисмини ерга туширди ва у билан ердаги жонзотлар бир-бирларига раҳм-шафқат қилади, ҳатто оттойчоғига азият бермаслик учун тўғини кўтариб туради”**» (Имом Бухорий ривояти).

Демак, Аллоҳ таолонинг раҳмати туфайли бандалар орасида раҳм-шафқат пайдо бўлган. Заиф ва меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар учун Аллоҳнинг раҳмати сабабли ҳимоя яратилган.

Ёшларга меҳрибон бўлишнинг энг муносиби фарзандларга раҳм-шафқат қилишдир. Ота-онага эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш кексаларни ҳурмат қилишнинг энг олий намунасидир.

Аллоҳ таоло бизларни бир-биримизга раҳм-шафқатли қилсин, ёшу қарини эъзозлашимиз учун тавфиқ ато этсин..

Ҳасан РАСУЛОВ,

Чилонзор тумани “Муҳсинхон тўра эшон” жоме масжиди имом ноиби

Элчиларнинг одамлардан танланиши

Яқинда нашрдан чиққан Ҳикматуллоҳ Тоштемировнинг “Ислом — саодат калити” номли китоби юртимиз мусулмонлари учун ажойиб туҳфа бўлди. Боиси мазкур китобда иймон асослари содда кўринишда баён этилган.

Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлиги, дунёни яратиши, ундаги ажойиботлар ва тартиб-интизом, Одамнинг яратилиши, унга иблиснинг душман бўлиши, ерда инсон наслининг кўпайиши, дунё имтиҳон майдони экани, охиратга тайёргарлик масалалари ёритилган. Кийимларимизни тикувчи тиккани, кўлимиздаги китоб-дафтарларни ноширлар босиб чиқаргани, уйимизни курувчилар қургани каби бу улкан қоида, Еру осмон ва ундаги нарсаларнинг ҳам эгаси, яратувчиси, бошқариб, кузатиб турувчиси борлиги айтилади.

Шунингдек, китобда Одам алайҳиссаломнинг жуфти билан жаннатга кириши, ерда ҳаётнинг бошланиши, жаннат ва дўзах, илоҳий китоблар, Қуръони карим ҳақида лўнда ва асосли маълумотлар берилган.

Ширк, бутларга сиғиниш қандай пайдо бўлган? Китобда ушбу саволга жавоб берилади. Яъни, иблис Аллоҳ таоло ушбу гуноҳни

Ҳикмати

кечирмаслигини билгани боис одамларни ширкка етаклаб, жаннатдан маҳрум қилиш ҳақида уйлай бошлайди. Шайтон одамларнинг қулоғига дунёдан ўтган ота-боболарини тез-тез эслаш, соғиниш кераклигини шивирлаб, уларнинг сура-тини чизиб, ҳайкални ясаб, шу йўл билан соғинчли қондириш мумкинлигини вас-васа қилади ва мақсадига етади. Кишилар ҳайкалларга дастлаб

фойдаю зиён етказмайдиган оддий тош сифатида қарашган бўлса, бора-бора уларни уйга барака келти-ради деб улуғлай бошлашди. Шу тариқа бутларга сажда, илтижо этилиб, уларга қурбонликлар қилинди.

Пайғамбарлик ва унинг моҳияти, набийларга эргашишнинг аҳамияти, охириги пайғамбар — Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда пайғамбарлар тарихига ҳам китобда кенг ўрин ажратилган. Чунки, “Нима учун Аллоҳнинг эл-чиси одамлар орасидан танланди?”

деган савол қўйилиб, агар фаришталар пайғамбар этиб жўнатилганида, инсонлар: “Биз еймиз, ичамиз, оч қоламиз, оила қурамиз, фарзандли бўламиз. Шу аҳволда қан-



дай қилиб Аллоҳга ибодат қилиш мумкин?! Аммо булар фаришта. Улар емайди, ичмайди, бола-чақа қилмайди ва тирикчиликни ўйламайди”, дея баҳона қилишлари мумкинлиги таъкидланади. Шу боис пайғамбарлар одамларнинг ўзидан танланиб, улар ҳамма қатори яшаб, оила қуриб, тирикчилик қилиб, Аллоҳнинг буйруқларига итоат этиб, қайтарган нарсаларидан қайтиб, бошқаларга намуна бўлишган.

Шу билан бирга, Қуръонда номлари келган пайғамбарлар — Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Мусо алайҳимуссалом қиссалари, Каъбатуллоҳнинг бунёд этилиши, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари қизиқарли ёритилган.

Ўз мухбиримиз

Масала

3-бетда

САВОЛ: Харидор сотувчи-га қарз бериши эвазига унинг маҳсулотини арзонроққа сотиб олиши жоизми?

ЖАВОБ: Шариатимизда бундай келишув жоиз эмас. Чунки фойда келтирган ҳар қандай қарз рибо ҳисобланади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар қандай манфаат келтирган қарз — риבודир”**, деганлар (Имом Бай-ҳақий ривояти).

САВОЛ: Намозда имом су-ранинг давомини эслолмай, бир оз жим туриб қолди. Кейин эси-га келиб, давомини ўқиди. Бу ҳо-латда намоз бузилмайдими?

ЖАВОБ: Бундай ҳолатда имом суранинг давомини ўқигунча қанча вақт ўтгани-га қаралади. Агар уч тасбеҳ миқдорича жим туриб қол-ган бўлса, саждаи саҳв во-жиб бўлади. Яъни уч марта “Субҳаналлоҳ” дейиш муд-датича. Ундан кам муддат бўлса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди.

Аслида намозхон замсура-ни ўқийганида давоми эси-га келмаса, қанча миқдорда ўқиганига қараш керак. Агар бир узун оят ёки қисқа уч оят миқдорича ўқиган бўлса, руку қилса бўлаверади. Акс ҳолда, давомидан бошқа оят ёки сурани ўқийди.

САВОЛ: Замзам сувида таҳорат олиши ёки ғусл қилиш мумкинми?

ЖАВОБ: Замзам суви би-лан бетаҳорат кишининг таҳорат олиши, истинжо қи-лиши, нопок кишининг ғусл қилиши, нопок кийимни пок-лаши макруҳ.

САВОЛ: Ҳижома қилдирган-да қон чиқиб, баданга тегади. Ўша қонларни артиб ташлаб, намоз ўқиш мумкинми?

ЖАВОБ: Бу ҳолатда учта тоза нам мато ёки учта нам салфетка билан артиб тоза-ланса, шу билан бадан пок-ланган ҳисобланади. Мана шу иш ювиш билан поклаш ўрнига ўтади. “Фатавойи Оламгирия”да бундай дейил-ган: “Агар ҳижома қилинган жойни учта нам, пок мато би-лан артиб тозаланса, ювил-гандай пок бўлади. Чунки нам мато билан артиш ювиш-нинг ўрнини боса олади.

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анху

Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анху юксак ахлоқли, тақводор ва садоқати билан танилган мард инсон, фиқх илмини мукаммал билган, фаришталар зиёратига келган саҳоба эди.

Ҳузоа қабиласидан бўлган Имрон ибн Ҳусойн ҳижратнинг еттинчи йили Хайбар фатҳида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламга байъат қилди. Ислоҳ билан шарафланганидан сўнг Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ёнларидан ҳеч айрилмади. У зотга хизмат қилишни шараф деб билди. Доимо суҳбатларида бўлди. У зотдан ўрганган гўзал аҳкомларни ҳаётига татбиқ этиб яшаш бахтига муяссар бўлди.

Бир куни Имрон розияллоху анху икки олам Сарвари билан бирга ўтирганида Бани Тамим ва Яман аҳлидан иборат бир гуруҳ келди.

Расулulloх алайҳиссалом уларга оламнинг яратилиши ва қиёмат куни ҳақида хабар бердилар. Сўнгра уларни Ислоҳга чақирдилар. Яманликлар мусулмон бўлишди. Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анху бу билимларни қалбига ўйиб ёзди. Ўткинчи дунё матоҳларига

аҳамият бермади. Боқий дунёни қўлга киритишни олдиға мақсад қилиб қўйди. Умрининг ҳар дақиқасини Аллоҳ ва унинг Расули розилиги йўлида яшашга интилди.

Бир гал Расулulloх алайҳиссалом билан бирга Фотима розияллоху анҳони зиёрат қилишди. У ерда Имрон розияллоху анху Пайғамбаримизнинг қизларига берган тавсияларини тинглади. Насиҳатларни худди ўзига айтилгандек қабул қилди. Бу ихлоси уни илм ва ахлоқда барчага ўрнак инсонга айлантирди.

Зиёратни унинг ўзи бундай тасвирлайди: «Бир куни Набий алайҳиссалом менга: **“Эй Имрон, сени жуда яхши кўраман. Қизим Фотиманинг бироз тоби қочибди. Хоҳласанг, бирга зиёратига борамиз”**, дедилар. Мен ҳам: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули!” дедим. Бирга Фотима розияллоху анҳонинг уйига бордик. У зот эшикни тақиллатиб, салом бердилар. Фотима розияллоху анҳо эшикни очиб, алик олди ва ичкарига таклиф этди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Қизим, ёнимда Имрон ибн Ҳусойн бор”**, дедилар. Фотима онамиз рўмолларини ўраб, ичкарига таклиф қилди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ортларида ўтирдим. У зот: **“Қизим, яхшимисан?”** дея ҳол сўрадилар. У эса: “Отажон, бу кеча жуда тобим қочди. Ухлай

олмадим. Очликдан бироз ҳолсизман”, деди. Шунда ўз ҳолларидан келиб чиқиб бундай насиҳат қилдилар: **“Қизим, асло ҳолингдан шикоят қилма. Аллоҳга онт ичиб айтаманки, уч кундирки менинг ҳам оғзимдан бир луқма ўтмади. Агар истасам, Аллоҳ тўйғунимча едиради. Фақат ўткинчи ризқларни деб абадий неъматларни бой беришни хоҳламайман”**.

Кейин Фотима розияллоху анҳонинг елкасидан тутиб, марҳамат қилдилар: **“Хушхабар, эй Фотима! Сен жаннат аёлларининг саййидасисан!”**»

Имрон розияллоху анҳуни халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анху басраликларга дин илмларини ўргатиш учун юборди. У Басрага жойлашиши биланоқ шаҳар аҳли уни кутлаб, дуосини олди. У шаҳар аҳлига фиқҳни ўргатди.

Абдуллох ибн Амр розияллоху анху Имрон розияллоху анҳуни Басра қозиси этиб тайинлади. Қозилиги даврида икки киши келди. Улардан бири гувоҳ келтирди, иккинчиси келтира олмади. Ҳукм гувоҳ келтирганнинг фойдасига ҳал бўлди. Гувоҳ келтира олмаган киши норози бўлиб, бундай деди: “Бу ҳукм ботилдир”. Шундан сўнг Имрон розияллоху анху Абдуллох ибн Амр розияллоху анҳудан қозиликдан озод этишини сўради.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ундан жуда кўп ҳадис ва

илм ўрганди. Бу ҳақда Ҳасан Басрий: “Басрага Имрон ибн Ҳусойн дан кўп фойдаси теккан инсон қандам босмади”, деган.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анху: “Шамоллар тўзғитиб юборадиган кум зарралари бўлсам эди”, деб тинмай кўзёш тўкарди. Ислоҳдан илгариги даврда қилган гуноҳларини ўйлаб азоб чекарди.

У ўттиз йил ошқозон касаллигидан азият чекди. Лекин бирор марта шикоят қилмади. Бундай онларни Аллоҳнинг зикри билан ўтказди. Бир куни Мутарриф ибн Абдуллох билан унинг укаси Аъло Имрон розияллоху анҳунинг зиёратига боришди. Мутарриф унинг ҳолини кўриб йиғлади. Ҳазрат Имрон сўради:

— Нега йиғлаяпсиз?

— Сизнинг ҳолингизни кўриб...

Ҳазрат Имрон розияллоху анху бундай деди:

— Йиғлама, мен ўлғунимга қадар ҳеч кимга айтма. Фаришталар менинг зиёратимга келиб салом бермоқдалар. Фаришталарнинг саломига алик олиб, улар билан суҳбатлашяпман. Уларнинг зиёратларидан жуда мамнун бўлиб, хаста бўлганим учун берилган бу неъматларга шукр қияпман. Шундай хасталик берилган ҳолида фаришталарни кўрган бир кимса бу дардларга рози бўлмайдими?

120 та ҳадис ривоят қилган Имрон ибн Ҳусойн розияллоху анху ҳижрий 52-йили Басрада вафот этди. Аллоҳ ундан рози бўлсин!

Манбалар асосида Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти **Юсуф ХУШВАҚТОВ** тайёрлади.

Табаррук масканлар

Султон Содот мажмуаси

Сурхондарё ўзининг буюк алломалари билан жаҳонга машҳур. Бу заминдан Ислоҳ оламида алоҳида ҳурмат қозонган Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Юсуф Ҳаёт Термизий, Имом Абу Исо Термизий, Абул Музаффар Термизий, Саййид



Бурҳониддин Ҳусайн Термизий каби зотлар етишиб чиққан.

Сўнги йилларда Сурхондарё вилоятида диний жабҳада кенг қўламли ишлар бажарилди, 30 та янги жоме масжид очилди, Имом

Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш бошлади, “Имом Термизий” мадрасаси ва Қуръони карим курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз 2019 йил апрель ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Султон Содот мақбарасини ободонлаштириш, Имом Бухорий, Имом Термизий мақбараларидек муҳташам зиёратгоҳга айлантириш бўйича топшириқ берган эди. Ўтган йиллар давомида мажмуа худудида муҳташам масжид бунёд этилиб, зиёратчилар ва сайёҳлар учун барча шароит яратилди. Мақбара атрофи ободонлаштирилиб, сўлим гўшага айлантирилди.


Султон Содот X–XVII асрларга мансуб мақбаралардан иборат мажмуадир. Унда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима

онамиз ва ҳазрат Алининг бешинчи авлоди бўлган Саййид Ҳасан Амир мангу кўним топган. Шу боис у “Султон Содот”, яъни “Саййидлар султони” деб аталган. Кейинчалик мақбара атрофига у зотнинг авлодлари ва бошқа саййидлар дафн этилган.

Шунингдек, мажмуа ёнида 2 400 ўринли шу номдаги масжиднинг барпо этилиши уни янада файзли ва чинакам маърифат масканига айлантирди. Жорий йил Рамазон ҳайити куни ушбу жоме фойдаланишга топширилди.

Масжидларда мусулмонлар тоату ибодат, намоз, зикру тасбех, Қуръон тиловати, дуою илтижолар билан машғул бўладилар. Масжидларга фаришталар тушади, раҳматлар ёғилади, намозхонларни сакинат ўраб олади.

Масжидлар ободлиги тоат-ибодатларга ҳамда у ерни озода сақлаб, муҳофаза қилишга боғлиқ. Аллоҳ таоло бундай деди: **“Албатта, Аллоҳ-**



нинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўқис адо этганлар, закотни берганлар ва Аллоҳдан бошқадан кўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топгувчилардан бўлсалар” (Тавба сураси, 18-оят).

Пайғамбар алайҳиссалом: **“Ким Аллоҳ учун масжид бино қилса, у хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, Аллоҳ унга жаннатда уй бино қилади”**, деб марҳамат қилганлар.

Муҳаммадолим **МУҲАММАДСИДДИҚОВ**, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Иймон билан ҳасад жамланмайди

Уламолар: “Ҳасад — бировга берилган неъмат (мол-дунё, мансаб-мартаба ва ҳоказо)га ёмон ният билан қараш ва ўша неъмат ундан кетиб, ўзига берилишини хоҳлаш”, деганлар. Ҳавас эса, бировга берилган неъматдан хурсанд бўлиб, унинг эгасида барқарор бўлгани ҳолда, ўзига ҳам берилишини исташидир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **«Фақат икки кишига “ҳасад” қилса бўлади: Аллоҳ таоло берган молини ҳақ йўлда сарфлаган кишига ва Аллоҳ таоло берган илму ҳикмат билан ҳукм қилган ва уни ўргатган кишига»** (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадисдаги “ҳасад” калимаси молини яхши ишларга сарфлаётган кишига ёки илмига амал қилган олимга ҳавас қилиш маъносидадир. Чин мўмин ҳавас қилишга арзирли кишидир.

Ҳасад балоси динимизда қаттиқ қораланади. Шайтон Одам Атога ҳасад қилгани боис Аллоҳнинг ғзабига учради ва лаънатланди. Бу иллат Одам алайҳиссаломнинг ўғли Қобил иниси Ҳобилни ўлдиришига, Ер юзида илк қон тўкилишига, қотилликка сабаб бўлди.

Бугун, афсус, орамизда ҳасад

жуда урчиб кетди. Оқибатда ака-ука, опа-сингиллар юзкўрмас бўлиб кетишаётир. Оилалар пароканда бўлмоқда. Кўролмаслик орқасидан одамлар бир-бирига ёмонлик қилишяпти.

Аллоҳ таоло: **«Ёки (улар) Аллоҳ ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қилишадими?»** (Нисо сураси, 54-оят) деб марҳамат қилади.

Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ҳасаднинг ёмонлиги ҳақида бир неча ҳадислар ривоят қилинган: **“Ким ўзарга уриниб, ўзаро ҳасад қилманглар”; “Ҳасаддан четланинглар, чунки олов ўтин ёки ўт-хашакларни еганидек, ҳасад ҳам ҳасанотлар (яхши амаллар)ни еб битиради”; “Мўмин банданинг ичида иймон билан ҳасад жам бўлмайди”; “Ҳасад эгаси мендан (менинг умматим) эмас”.**

Ёнғин чиққан ерда олов ҳамма нарсани куйдириб кулга айлантирганидек, ҳасад ҳам, аввало, ҳасадчининг ичини куйдиради. Кейин аста аланга олиб, эгасининг барча яхшиликларини йўқ қилиб юборади.

Уламолар инсонда ҳасад пайдо бўлишига айрим сабабларни айтганлар:

— душманлик ва ёмон кўриш. Бу ҳасаднинг энг кучли сабабларидан бири ҳисобланади. Икки киши уришиб

қолса, келишмовчилик сабабидан бир-бирини ёмон кўриб қолади. Бир-бирига зарар етса, хурсанд бўлади;

— кўра олмаслик. Бошқаларни ўзидан устун бўлишини кўра олмаслик сабабидан ҳасад қилади; — кибр. Мутакаббир инсон ўзини бошқалардан устун кўяди. Ўзидан паст санаб юрган инсонларга бирор-бир неъмат етса, чидай олмасдан унга ҳасад қилади;

— мансаб ва шуҳратпарастлик. Мансаб эгасига ҳасад қилади ва мансабни ундан тортиб олиш учун ҳар қандай ёмонликка қўл уришдан тап тортмайди.

Хуллас, бу иллатга мубтало бўлган инсон дунёсига ҳам, охирати-га ҳам катта зарар келтиради.

Абу Лайс Самарқандий: “Ҳасаддан зарарлироқ нарса йўқ. Ҳасад балоси ҳасад қилувчи кишига бешта азобни келтиради. Бу азоблар ҳасад қилинган кишини эмас, балки ҳасадчини адои

тамом қилади: ғам-ташвиш; мусибат, Аллоҳнинг ғзабига гирифтор этади; тавфиқ эшиклари ёпилади, эзгу ишлари куйиб кетади”, деган.

Қалб хасталиги бўлган ҳасаддан қандай қутулиш мумкин? Аввало, инсон ҳасад ўзининг дини ва дунёсига зарар эканини, ҳасад қилинган инсонга берилган неъматни заволга учрата олмаслигини тушуниши керак. Шу билан бирга, ҳасади уни қайси амалга буюрадиган бўлса, бунинг аксини қилиши лозим. Масалан, ҳасад унга душманини ёмонлашни амр қилса, у макташга ўтиши керак. Мутакаббирлик қилишни буюрса, у инсонлар олдига камтарлик билан юриши керак.

Салоҳиддин ТОШАНОВ,

Тошкент шаҳар “Яккасарой” жоме масжиди имом-хатиби

Салоҳиддин Тошанов 1977 йили Хатирчи туманида туғилган. 2001 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. Дастлаб пойтахтимиздаги “Яккасарой” масжидида имом ноиби, сўнг “Носирхон”, “Гўзал” масжидларида имом-хатиб бўлиб ишлаган. 2018 йилдан бери Яккасарой туманидаги “Яккасарой” жоме масжиди имом-хатибидир.



Вожиб амаллар

Асрнинг фарзини олти ракат ўқиса...

Намозда сажда оятини ўқиган киши дарҳол тиловат саждасини қилиши вожиб. Агар сажда оятдан кейин икки ёки ундан кўп оят ўқиганидан сўнг тиловат саждасини қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Бир оятдан сўнг тиловат саждасини қилса, саждаи саҳв вожиб эмас (“Раддул мухтор”).

Намоздаги киши намоз ташқарисидаги (хоҳ балоғатга етган, хоҳ етмаган) одамдан сажда оятини эшитса, унга тиловат саждаси вожиб бўлади. Намоздан фориг бўлгач, тиловат саждасини адо этади. Агар намоз ичида қилса, сажда адо бўлмайди. Намоздан сўнг қайта қилиши зарур. Саҳиҳ қавлга кўра, мазкур тиловат саждасини намоз ичида қилиш билан намоз фосид бўлмайди, саждаи саҳв ҳам вожиб эмас (“Фатовойи Оламгирия”, “Раддул мухтор”).

*Давоми, бошланиши ўтган сонда.

Имом намозда сажда оятини қироат қилди. Уни эшитган ёлғиз намоз ўқиётган кишига ҳам тиловат саждасини қилиши вожиб. Лекин у тиловат саждасини намоздан фориг бўлганидан сўнг қилади. Агар намоз ичида сажда қилса, адо топмайди, лекин намозга зиёда вожибни қўшгани учун саждаи саҳв вожиб бўлади. Намоздан фориг бўлгач, адо топмаган тиловат саждасини қайта қилади (“Раддул мухтор”).

Имом намозда тиловат саждаси қилишни унутиб, салом бериб юборса, модомики, намозга зид бирор иш қилмаган бўлса, аввал тиловат саждасини, сўнг саждаи саҳв қилиб, намозни тугатади. Агар имом тиловат саждасини атайин қилмаган бўлса, намоз ташқарисида ҳам қилмайди. Зеро, намозда вожиб бўлган тиловат саждаси намоз ичида адо қилиниши зарур. Саждани тарк қилгани учун имом ҳам, муқтадийлар

ҳам гуноҳкор бўлишади. Тавба ва истиғфор қилишлари лозим (“Раддул мухтор”).

Бир киши намозда сажда оятини ўқиб, ўша ракатда сажда қилишни унутди. Кейинги қайси ракатда ёдига тушса, дарҳол сажда қилиши лозим. Тиловат саждасини кечиктиргани учун намоз охирида саждаи саҳв вожиб бўлади (“Раддул мухтор”).

Бир киши сажда оятини ўқиб, тиловат саждасини қилганидан кейин суранинг давоми ёдига келмаса, рукуга кетиши лозим. Намози саҳиҳ ҳисобланади (“Фатовойи Оламгирия”).

Бир имом таровеҳ намозини ўқиётиб сажда ояти келишидан олдин бу сажда ояти деб ўйлаб, тиловат саждасини қилса, сўнг сажда оятини ўқиб яна тиловат саждасини қилса, унинг зиммасига саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар саждаи саҳв қилмаса, иккала ракатни

ҳам, унда ўқиган Қуръон оятларини ҳам қайта ўқийди (“Фатовойи Оламгирия”).

Адашиб, иккинчи ёки тўртинчи ракатга туришдан олдин бир рукн миқдоридан озроқ ўтириб қолган бўлса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Бир рукн миқдорича ўтирса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Бир рукн миқдори — уч маротаба “Субҳаналлоҳ” дейишга тенг вақт (“Кабирий”, “Таҳтовий”).

Бир киши унутиб бомдоднинг фарзини тўрт ёки асрнинг фарзини олти ракат ўқиди. Агар ортиқча ракатларни қаъдаи охир қилгандан кейин қўшган бўлса, унинг фарзи адо топади ва қўшилган икки ракат нафлга айланади. Охирида саждаи саҳв қилади (“Ад-дуррул мухтор”).

(Давоми бор.)

Ўрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари”
китобидан

Фарзандингизнинг журъати қандай?

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Дарахтлар орасида бир дарахт борки, у баргини тўкмайди, у мусулмонга ўхшайди, айтинглари-чи, бу қайси дарахт?”**» дедилар. Одамлар қишлоқларидаги бор дарахтларни санаб чиқдилар. Менинг хаёлимдан “хурмо дарахти” деган фикр ўтди. Лекин айтишга уялдим. Одамлар: “Ё Расулulloҳ, ўзингиз айтиб беринг”, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“У хурмо дарахтидир”**, дедилар. Мен кўнглимга келган бояғи фикрни отам Умар ибн Хаттобга айтдим. Шунда отам (Умар): “Эй ўғлим, журъат билан айтганимда, бу нарсаси мен учун қизил туялардан ҳам суюқлироқ эди”, деди» (Имом Бухорий ривояти).

Яъни, адолати билан донг таратган улў саҳоба фарзандининг журъатли бўлишини араблар орасида энг катта бойлик ҳисобланган қизил туядан ҳам афзалроқ эканини айтмоқда.

Бугун биз ота-оналар болаларимизда ана шу гўзал фазилатни шакллантиришга эътибор бермай қўйдик. Айтиб ўтиш лозим, болаларимиз бизга омонат ўлароқ берилган. Уларга гўзал тарбия бериш бизнинг вазифамиздир. Бироқ ўзимиз билиб-билмай боламиздаги

журъатни синдириб қўйяпмиз. Бу ҳам динимиздан узоқлашганимизнинг салбий асоратларидан бири. Масалан, боламиз бирор хатога йўл қўйди. Аксариятимиз ўйламай бу хатоси билан юзига уришни бошлаймиз: қачон одам бўласан, бўйинг бўйимга етди, сал фаросатингни ишлатсанг бўлмайдими...

Ёхуд болаларнинг фикр билдириши, катталар орасида бирор гап гапиришини доимо тақиклаймиз: бор, нарироқда ўйна, катталарнинг ишига аралашма!

Шу боис болаларимиз 30 ёшга кирса ҳам, 40 га кирса ҳам “бола”лигича қолмоқда. Эр-хотин ўртасидаги муаммони оналар ҳал қилмоқда. Рўзгорининг юки эса нафақа ёшидаги отасининг зиммасида.

Аслида хато ўзимизда. Тарбия асносида уларнинг сўзига қулоқ тутиш билан қанчадан-қанча муаммоларнинг олдини олиш мумкин. Турли масалаларда фарзандимизнинг мақсадини билишга қизиқсак, у мустақил фикрлашга, муаммоларини ўзи ҳал қилишга, қоқилиб-йиқилганда қайта оёққа туришга ўзида куч топа олади — журъатли бўлади. Ёхуд хатога йўл қўйганда сўкиб, журъатини синдиргандан кўра, у билан юзма-юз ўтириб, дилдан суҳбат қуриш, хатосининг салбий оқибатларини

тушунтириб, буни саҳобалар ҳаётидаги ибратли воқеалар билан очиб берсак, боламиз интернет саҳифаларида турли бузғунчиликларни тарғиб этаётган кимсаларга эмас, 17 ёшида Ислом лашкарларига сардор бўлган Усома ибн Зайд розияллоҳу анхўга, 10 ёшида ёши улў саҳобаларга: “(Эй Муҳаммад!) **Қачонки Аллоҳнинг нусрати (мадади) ва ғалаба келганида**” (Наср сураси, 1-) оятини тафсир қилиб берган Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхўмога, “Ҳамма қочиб кетди, нега сен қочмадинг?” деган замона халифасига журъат билан: “Эй амирул мўминин, сизнинг жазоингиздан кўрқиб учун гуноҳ қилганим йўқ, йўл кенг. Сиз ҳам, мен ҳам сиғамиз” дея унинг эътирофига сабаб бўлган Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анхўга ҳавас қилишни бошлашди.

Жуда камёб воқеа. Умар ибн Абдулазиз халифа этиб сайланди. Уни муборакбод этиш учун турли диёрлардан жамоалар келди. Ҳижоздан келган жамоанинг бошида кичкина — 10 ёшга ҳам кирмаган бола бор эди. У туриб, табрикламоқчи бўлганида, халифа:

— Тўхта, сендан ёши каттароқ одам гапирсин!

Шижоатли бола, бежиз ҳижозликларга бош бўлиб келмаганини гўзал тарзда исботлади:

— Аллоҳ амирни ислоҳ қилсин! Кишининг қадри икки нарсаси — тили ва қалби билан белгиланади. Агар Аллоҳ унга лафз қилувчи тил, тақво қилувчи қалб берган бўлса, у гапиришга ҳақли! Агар ишлар ёшга кўра тақсимланса, уммат орасида халифаликка сиздан кўра лойиқроқ — ёши каттароқ инсонлар бор эди!

Ҳаммамиз, ҳали ҳам уммати Муҳаммадга зарбулмасал бўлаётган зотлардек фарзанд тарбия қилишни хоҳлаймиз. Бироқ бунинг учун ҳаваснинг ўзи етарли эмас. Ўша муборак зотларнинг ота-онасидек, масъулиятни елкамизга олишимиз, фаний дунё матоҳларига бўлган меҳрни бироз сўндириб, динга бўлган муҳаббатимизни орттиришимиз керак.

Ўйлаб кўринг, болангизда журъатни топа олмаётган экансиз, бунда сизнинг айбингиз йўқмикин? Хатоингизни тузатишга киришинг. Болангиз билан худди ўз тенгингиз каби суҳбат қуриш. Унинг фикрларини эшитинг, янглишларини тушунтиринг, хатоларини тўғриланг! Шунда фарзандингиз ўзини ўнглаб олишга куч топади.


Тарбиядаги барча камчиликларимизни Ўзи ислоҳ қилсин!

Нигора МИРЗАЕВА

Шифо Аллоҳдандир

Моддалар алмашинувини яхшилайд

Катта тишли қирғичдан ўтказилган 100 gr сабзи, майда тўғралган 150 gr ошқовоқ ва 1 стакан қатиқни идишга солиб, яхшилаб аралаштирасиз. Таъбга кўра, асал ва долчин ҳам қўшиш мумкин. Ушбу аралашмани истеъмол қилсангиз, организмнинг даги моддалар алмашинуви жараёни бузилишидан халос бўласиз.



Бел оғриғига даво

Қирғичдан чиқарилган турпни тоза матога юпка қилиб ёйиб чиқилади ва оғриқли жойга қўйилади. Устидан полиэтилен ёпиб, жун рўмол билан боғлаб қўйилади. Қиздириб юборгач, олинади. Ушбу муолажа ҳар куни кечкурун оғриқ тўхтамагунча қўлланилади.

Юрагингизда муаммо бўлса...

1 стакан пиёз суви ва 1 стакан асал аралаштирилиб, салқин жойда оғзи маҳкам беркитилган ҳолатда сақланади. Ҳар куни овқатдан бир соат олдин ёки 2 соат кейин 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бу аралашма юрак касалликларида яхши ёрдам беради.



Ошқозон ярасидан қутқаради

1 стакан сули ёрмаси яхшилаб ювилиб, устидан 1 литр қайнатилган илиқ сув қўйилади. Аралашма 10 соат тиндирилгач, 30 дақиқа милтилаган оловда қайнатилади. Қайнаб бўлган яхшилаб ўраб қўйилиб, совиши кутилади. Сулининг барча хусусиятлари сувга чиқади. Бу малҳам овқатдан ярим соат олдин ярим стакандан кунига 3 маҳал ичилади. Муолажа давомийлиги 1 ой.



Йўтал қийнаганда

Юқори нафас йўллари шамоллаганда, изтиробли йўталда баргизуб (зубтурум) ўсимлигининг

баргларида 1 ош қошиқ олинади-да, 1 пиёла қайноқ сувга солиниб, 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин докада суюқлик сузиб олингач, кунига 1 ош қошиқдан 4 маҳал таомланишдан 20 дақиқа олдин ичилади.

Хотирани яхшилайд

Битта лимонни пўсти билан майдалаб, 1 бош саримсоқни тўғрагач, 1 ош қошиқ асал ва 1 литр илиқ қайнатилган сувни банкага солиш ва сочиқ билан ёпинг. 3 кун тургач, докада сузиб олинг. Овқатдан кейин 1-2 ош қошиқдан 3 маҳал ичинг. Натижада қон томирлари тозаланади, қон босими нормаллашади ва хотира яхшиланади.



Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi:
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Dilmurod SODIQOV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
23.04.2024
Xulosa (№03-07/2323) olindi:
29.04.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/9-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!